

ТУМАН МАРКАЗИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

[Аввал хабар берганимиздек](#), туман маркази, марказга ёндош ҳудудлар жадал суръатда ободонлаштирилмоқда. Асосий йўл кенгайтирилиб, пиёдалар йўлаги, тунги ёритиш чироқлари, тирбандликни келтириб чиқарувчи ноқонуний объектлар қайтадан кўриб чиқилиб, замонавий қиёфага келтирилмоқда.

Кейинги пайтларда йўлларда автотранспорт воситаларининг тобора кўпайиб бораётгани яққол сезилмоқда. Лекин автотранспорт воситаларининг кўпаяётгани йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва пиёдалар учун қулай шароитлар яратишни янада долзарб масалага айлантarmoқда. Маълумки, Фурқат тумани маркази, айниқса марказдаги чорраҳа эртадан кечгача автотранспорт ва пиёдалар билан гавжум. Бу ерда эрталаб ва кеч пайти тирбандлик ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш, муҳими - ҳайдовчи ва пиёдалар учун қулай шароит яратиш мақсадида туман марказидаги чорраҳага замонавий светофор ва пиёдалар ўтиш йўлаги қурилиши бошланди. Туман ҳоқими Жаҳонгир Жуманов қурилиш жараёнларини доимий назорат қилиб, марказни ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш бўйича масъулларга кўрсатмалар берди.

Ҳозирда конструкцияларни ўрнатиш жараёни жадал давом этмоқда. Қисқа фурсатда замонавий светофор ва пиёдалар ўтиш йўлаги ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

Ўз ўрнида туманимиз аҳолисидан серқатнов йўлда ҳаракатланиш пайтида ҳайдовчи-пиёда қоидаларига амал қилган ҳолда, айниқса чорраҳаларда белгиланган жойдан тартиб билан ҳаракатланишларини сўраб қоламиз.

Фурқат тумани ҳоқимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ







FURQAT TUMANI HOKIMLIGI
AXBOROT XIZMATI





2021-11-04 10:44:28